

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27. 06.2017. Fi1.21.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ҚОСИМОВА САРВИНОЗ САЙФУЛЛАЕВНА

**ХІ-ХІІ АСРЛАРДА МОВАРОУННАҲР ТИЛШУНОСЛАРИНИНГ
АРАБ ГРАММАТИК НАЗАРИЯСИ БЎЙИЧА ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТЛАРИ**

10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2017 йил

УЎК: 809.27-5
КБК: 81.2(5)-2
Қ – 61

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
Philological sciences**

Қосимова Сарвиноз Сайфуллаевна

XI-XIII асрларда Мовароуннахр тилшуносларининг араб грамматик
назарияси бўйича илмий тадқиқотлари..... 3

Касимова Сарвиноз Сайфуллаевна

Научные исследования по теории арабского языка лингвистов
Маварауннахра в XI-XIII веках..... 23

Kasimova Sarvinoz Sayfullaevna

The scientific research of the Movarounnakhr linguists on the theme of the
Arab grammer theory in the XI-XIII centuries 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 45

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27. 06.2017. Fi1.21.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ҚОСИМОВА САРВИНОЗ САЙФУЛЛАЕВНА

**XI-XIII АСРЛАРДА МОВАРОУННАҲР ТИЛШУНОСЛАРИНИНГ
АРАБ ГРАММАТИК НАЗАРИЯСИ БЎЙИЧА ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТЛАРИ**

10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2017 йил

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Fil.111 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик институтида (ТошДШИ) бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.tashgiv.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Қуранбеков Аҳмадкул филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Содиқов Қосимжон Позилевич филология фанлари доктори, профессор Исломов Зоҳиджон Маҳмудович филология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 27. 06.2017. Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг «___» «_____» йил соат___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16- уй. Тел: (99871) 233–45–21; факс: (99871) 233–52–24; e–mail: sharq_ilmiy@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233–45–21.

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ кун тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси) .

А.М.Маннонов
илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д., профессор

Қ.Ш.Омонов
илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, филол.ф.д.

Ҳ. А. Дадабоев
илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар
раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида тил тарихи, тил нормалари, фонетик, морфологик ва синтаксик сатҳларига оид илмий ишлар, когнитив ва антропоцентрик тилшунослик тадқиқи масаласига оид илмий изланишлар олиб бориш билан бир қаторда араб филологиясининг шаклланиши ва ривожини, классик ва ҳозирги араб тилшунослиги, қиёсий семитология, араб тилшунослик тарихи бўйича ҳам долзарб тадқиқотлар яратилмоқда. Бу, ўз навбатида, ўзбек шарқшунослиги соҳасидаги тадқиқотларга бўлган эҳтиёжни янада оширмоқда. Зеро, Ўзбекистон илму-фан соҳасидаги натижа ва ютуқлари дунёдаги энг илғор мезонларга мос келиб, жаҳон илмига баҳоли қудрат ўз хиссасини кўшиб келмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Шарқнинг улуғ алломалари томонидан амалга оширилган кашфиётлар моҳиятини очиб бериш масаласи, унинг илму-фан доирасида тутган ўрни ҳамда аҳамиятини асослашга бағишланган кенг қамровли тадқиқотлар яратилди. Хусусан, бебаҳо илмий меросни янада терекинроқ тадқиқ этиш ва оммалаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар кучайди. Зеро, глобаллашув жараёнлари тобора чуқурлашиб бораётган бир даврда дунё халқларининг илми ва маданиятини ўрганишга бўлган талаблар ҳам тобора ортиб бормоқда. Шу муносабат билан Республикамизда миллий меросини ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Чунинчи, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «миллий-маънавий ўзлиқка эга бўлиш, маданий меросни ўзлаштириш учун кураш ялпи ижтимоий ҳаракат»¹ сифатида устувор стратегик йўналиш ўлароқ белгилаб қўйилиши арабшунослик соҳасида ҳам илмий изланишлар кўламини янада кенгайтиришга асос бўлмоқда.

Жаҳон арабшунослиги ривожидида мовароуннаҳрлик олимларнинг хиссаси беқиёс. X асрда араб халифалиги ҳукмронлигининг заифлашувига қарамасдан мусулмон ўлкаларида араб тили дин ва илм-фан тили сифатида катта қизиқиш билан ўрганилган. Араб тилшунослари қолдирган грамматикага оид илмий меросни араб бўлмаган халқларга ўргатиш, араб тилини ўзлаштиришда қийинчилик туғдирар эди. Бу муаммо арабларнинг ўзларида ҳам мавжуд бўлиб, Бағдод тилшунослик мактаби вакиллари уни ҳал қилишга киришган бўлсалар-да, бу борада салмоқли, мукаммал асар ярата олмадилар. Айни шу даврда Мовароуннаҳр ҳудудида мазкур муаммога ечим бўла оладиган араб грамматикасига оид тадқиқотлар яратиш бошланди. Бу тадқиқотлар ҳозирга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаганлиги билан характерланади. Мовароуннаҳрлик тилшунослар араб олимлари яратган асарларни лўнда, оммабоп ва мукаммал тарзда қайта ишлаб чиқиш билан бирга, уларнинг услубидан фарқланувчи фундаментал асарларни яратдилар. Ана шундай ўта муҳим масалаларни ўрганмасдан, унинг шаклланиш ва ўзига

¹Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгилаш сари.-Т., 2017. –Б. 32

хос хусусиятларини таҳлил этмасдан туриб, мовароуннаҳрлик тилшуносларнинг асарларини тўлақонли тадқиқ этиш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонун, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2017 йил 17 февралдаги «Фанлар Академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ–2789-сон, 2017 йил 24 майдаги «Қадимий қўлёзмаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2995-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Араб тили грамматикасининг шаклланиши ва ривожланиши ҳақида батафсил маълумот берган В.Ф. Гиргас², Н.В. Юшманов³, Ю.М.Дяконов⁴, М.Г. Картер⁵, Вернер Дим⁶ каби тилшуносларнинг тадқиқотларида араб грамматикасига оид асарларнинг ёритилиш услубини кўришимиз мумкин. Унда мовароуннаҳрлик тилшунос Маҳмуд Замахшарий тақлиф этган грамматик асарнинг услуби умумий тарзда тавсифланган. А. Флеш⁷, Ж. Кантино⁸, М. Бравман⁹, К. Брокельман¹⁰, Д.В. Фролов¹¹ ўз тадқиқотларида Замахшарий илмий меросидан фойдаланиб, «Муфассал»дан мисоллар келтирганлар. Х. Биркеланд ҳам араб тилидаги паузага бағишланган тадқиқотида «Муфассал»дан олинган маълумотлардан истифода этган.¹² Шунингдек, М. Грюнерт¹³, Г. Вайл¹⁴ ва Н. Робакидзеларнинг¹⁵ тадқиқотларида мовароуннаҳрлик тилшуноснинг араб тили фонетикасига оид ўзига хос

²Гиргас В.Ф. Очеркъ грамматической системы арабовъ. –СПб, 1873

³Юшманов Н.В. Грамматика литературноарабского языка. Под редакциуй и с предисловием Крачковского. –СПб. 1928, -М., 1985.

⁴Дяконов И.М. Семито-хамитские языки: Афразийские языки.–М., 1965

⁵Carter M.G. Writing the History of Grammar. *HistoriographiaLinguistica* 21 (1994) –P. 385-414

⁶Werner Deam . The History of Linguistics in the Near East. Amsterdam, 1983.

⁷FleischH.Traite de philology Arabe. –Beyrouth,1961.

⁸CantineauJ. Grammatic des klassishenArabisch. –Wiesbaden, 1972

⁹Brawmann M. Materialien und Untersuchungen zu den phonetischen Lehren der Araber. – Gottingen,1934.

¹⁰Brockelmann C. Grundrib der vergleichenden Grammatic der samitischen Sprachen, II. – Berlin, 1913

¹¹Фролов Д. Арабская филология. –Москва, 2006

¹²Birkeland H. Altarabishepausaiformen. – Oslo, 1940

¹³Grunert M. Die Imala, der Umlaut im Araboschen. SBWA, Phil. hist. Klasse, LXXXI

¹⁴Weil G. Die Behandlung des hamza-alifim Arabischen besonders nach der Lehre von az-Zamahsari und al-Anbari. –Munche, 1905

¹⁵Робакидзе Н. Фонетическая концепция аз-Замахшари. –Тбилиси, 1984

тавсиф ва таснифларининг таҳлилга тортилганини эътироф этиш лозим. М. А. Носирова Замахшарийнинг «Унмузаж» асарини комплекс равишда тадқиқ этган.¹⁶

Мовароуннаҳрлик тилшунослар томонидан XI-XIII асрларда тузилган «Мисбоҳ» ва «Муқаддима» грамматикасига оид рисоалар XIX асрга қадар «мусулмон мадрасаларида араб тили грамматикасини ўргатишдаги асосий манбалардан бири бўлган»¹⁷. Уларнинг ҳудудларда қўлланилиш доираси ва машҳурлиги шу қадар кенг бўлганки, бунинг гувоҳи сифатида бу асарлар нусхаларининг дунё қўлёзма фондларида сақланаётганлиги ва энг ноёб манбалар каталогига эътироф этилганлигини келтиришимиз мумкин.¹⁸ Ушбу тилшунослар ҳақидаги маълумотлар машҳур библиографларнинг асарларида қайд этилган.¹⁹ Бу асарларнинг бирортасида мовароуннаҳрлик тилшуносларнинг илмий-назарий қарашлари ёки асарларидаги фикрлари таҳлил қилинмаган.

Мир Саид Шариф Журжоний ва Мавловий Ҳоди Али каби ўз даврининг машҳур нахвчилари Даририйнинг бу асари юзасидан илмий изланишлар олиб бориб, унга шарҳлар ёзишган.²⁰

Мустақиллик йиллари ўзбек арабшуносларининг бу борада амалга оширган илмий изланишлари таҳсинга лойиқ. Бу кезларда аждодларимизнинг қўл урилмаган илмий мерослари алоҳида манба сифатида ўрганилиб, тилшунослик жиҳатидан таҳлил ва тадқиқ қилинди.²¹

М. Носированинг илмий мақолаларида XI-XIII аср Мовароуннаҳр тилшунослари ва асарлари ҳақида маълумот бериш билан чекланилган.²² Аммо «Муфассал», «Мисбоҳ» ва «Муқаддима» тадқиқотлари батафсил ўрганилмаган.

¹⁶ Носирова М. А. Махмуд Замахшарийнинг «Ал-унмузаж фи-н-нахв» рисоласи. –Тошкент: ТДШИ, 2005.

¹⁷ Қаранг: *Richard Burton. Sindh and the Races That Inhabit the Valley of the Indus.* –New Delhi, 1996. –P. 422

¹⁸ Ўзбекистон, Ҳиндистон, Саудия Арабистони, Туркия, Англия қўлёзмалар фондида.

¹⁹ Қаранг: *Абу Саъд Самъоний*. Ўша асар. 570-б.; *Хайруддин Зириклий*. Ал-Аълам. 1-жилд.–Байрут, 1988. 201-б.; *Умар Қаҳолла*. Кўрсатилган асар. 177-б.; *Ёқут Ҳамавий*. Кўрсатилган асар. 33-б.; *Броккельман Brockelman С., Arabischegrammatikparadigmen, Literatur, ubingsstucke und glossar, Leipzig., -1953. P. 269*

²⁰ ЎЗР ФА Шарқшунослик институти фондида сақланаётган тошбосма нусхаларнинг ҳошиясида бу шарҳлар форс тилида берилган.

²¹ *Исломов З.М.* Махмуд Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» асарида туркий феъллар таҳлили: - Филол.фанлари номзоди дисс. -Т. 1993. -161 б.; *Зокиров Ш.* Арабоязычные источники IX-XII вв. и их значение в изучении этнополитической жизни народов Средней Азии (тюркоязычные народы): Дисс. канд. истор. наук. –Ташкент, 1994. -190с.; *Исломов З.М.* Махмуд Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» асарининг қўлёзма манбалари ва арабча-туркий феъллар сўзлигининг йиғма илмий-танқидий матни. (Тошкент қўлёзмалари асосида) :-Филол.фанлари доктори дисс. -Т. 1998. -234 б.; *Носирова М. А.* Махмуд Замахшарийнинг «Ал-унмузаж фи-н-нахв» рисоласи. –Тошкент: ТДШИ, 2005. -186б.

²² Основные труды лингвистической школы Мавераннахра эпохи зрелого средневековья (X–XIII вв.). Россия и Арабский мир: к 200-летию профессора Санкт-Петербургского университета Шейха ат-Гантави (1810-1861). (Халқаро конференция. СПбГУ) - Санкт-Петербург, 2-3 ноября, 2010 год.; К вопросу о специфике становления арабской лингвистической школы Мавераннахра в эпоху средневековья. («Язык. Культура. Общество» номли VII халқаро илмий анжуман. РФ ФА) - Москва, 26-29 сентябрь 2013 йил.; Вклад учёных Мавераннахра в развитие арабской лингвистики //1-Международная научно-практическая конференция «Османовские чтения». Россия, Махачкала. 10 октября, 2016г.; Взгляды лингвистов Мавераннахра вопросу флексии арабского языка// Международная научно-практическая конференция «Актуальные проблемы арабской филологии и методики преподавания арабского языка». Грозный, Чечня. 5 ноября, 2016 г.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Мовароуннаҳр олимлари араб тилшунослиги ривожига салмоқли ҳисса қўшганлар. Бироқ ҳозирги кунга қадар ўзбек арабшунослигида амалга оширилган илмий ишлар орасида мовароуннаҳрлик олимларнинг юксалиш давридаги араб тилшунослигига оид тадқиқотлари қиёсий ўрганилмаган. Хусусан, Мовароуннаҳрда шаклланган араб тилшунослигининг назарий асослари, шунингдек, фонетика, морфология ва синтаксисга оид қарашлари монографик планда тадқиқ этилмаган. Мавжуд кемтикни маълум даражада бартараф этишга мўлжалланган ушбу тадқиқот шу нуқтаи назардан долзарб ва янғидир.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик институти илмий тадқиқот ишлари режасининг «Шарқ мамлакатлари тилларини ўрганиш ва тилшуносликнинг назарий масалалари» мавзуидаги илмий тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади Замахшарийнинг «Муфассал», Мутарризийнинг «Мисбоҳ» ва Даририйнинг «Муқаддима» асарлари мисолида мовароуннаҳрлик олимларнинг ўша давр араб тили грамматикасига қўшган ҳиссаларини аниқлаш ва улар қашф қилган араб тилшунослигидаги янгиликларнинг ҳозирги араб тили грамматикасига таъсирини илмий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Араб тилшунослиги анъаналарининг шаклланиш ҳамда тараққиёт босқичларини кузатиш;

Мовароуннаҳрда араб тилшунослигини шакллана бошлаган илк босқичдан эътиборан ўрганиш;

Ўрта аср араб тилида қабул қилинган фонологик тизим ва уни акс эттирувчи терминлар генезисини тадқиқ этиш ҳамда араб тилшунослигидаги фонетик тизим ва терминлар талқинидаги анъаналарни белгилаш;

Мовароуннаҳр араб тилшунослигида араб тили морфологиясидаги грамматик категориялар таснифининг тақомили ҳамда морфологик категорияларга оид терминлар тизими ва уларнинг кейинги тилшунослик назарияси тараққиётидаги ролини аниқлаш;

Ўрта аср араб тилининг айрим синтактик категориялари ва синтактик қурилмалари таснифини таҳлил этиш ва уларга муносабат билдириш;

Терминларни таржима қилишда йўл қўйиладиган асосий камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш йўллари белгилаш ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти XI-XIII аср Мовароуннаҳр тилшуносларининг араб тили назариясининг шаклланиши ҳамда ҳозирги илмий таълимотларнинг тақомиллашувида ҳисса қўшган Маҳмуд Замахшарий, Носир Мутарризий ва Ҳамидуддин Даририйларнинг асарлари ҳисобланади.

Тадқиқот предметини Ўрта аср мовароуннаҳрлик тилшуносларнинг кейинги давр араб тилшунослиги ривожига қўшган ҳиссасини белгилаш, Ўрта аср араб тили грамматикасининг структураси ҳамда мовароуннаҳрлик

арабшунос олимларнинг фонетика, морфология ва синтаксисга оид қарашларини ўрганиш масалалари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида анализ ва синтез, семантик, киёсий-типологик, лингвостатистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Замахшарийнинг «Муфассал», Мутарризийнинг «Мисбоҳ» ва Даририйнинг «Муқаддима» илмий асарларини тадқиқ этиш ва илмий муомалага киритиш асносида араб тилининг фонетик ва грамматик тизимига мовароуннаҳрлик олимлар томонидан киритилган илмий-назарий фикрлар далилланган;

араб тилшунослигининг ҳозирги ҳолати, соҳа терминологиясининг Мовароуннаҳрда фаолият кўрсатган тилшунослар киритган *имала*, *лафъа* ва *жумла* терминлари ҳисобига бойиш йўллари исботланган;

мовароуннаҳрлик тилшуносларнинг араб тили назариясини ривожлантиришдаги ўрни ва улар томонидан яратилган назарий қарашларнинг ҳозирги тил назариясига таъсири асослаб берилган;

грамматик асарлар услуби масаласига оид муаммолар бартараф этилиб, терминларни ўгиришда сўзма-сўз таржимага йўл қўймаслик, грамматик қоидаларни таржима қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Мовароуннаҳр арабшунослиги бўйича олиб борилаётган тадқиқотнинг илк натижалари жамланган, Замахшарий, Мутарризий ва Даририй томонидан киритилган илмий-назарий фикрлар далилланган маъруза матнлари яратилди;

Ўзбек арабшунослигида *имала*, *лафъа* ва *жумла* терминларини ўз ўрнида қўллаш тавсия этилган;

Араб тилшунослигига оид грамматик терминларни ўзбек тилига ўгириш маҳорати таржима адекватлиги кафолати эканлигини исботлаш мақсадида муаллиф томонидан мовароуннаҳрлик олим Даририйнинг «Муқаддима» асари таржима қилинган ва нашр эттирилган;

«5120100-филология ва тилларни ўқитиш» таълим йўналишида танлов фани асосида тузилган «Классик араб наҳвидан бошланғич маълумотлар» ўқув қўлланмаси яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тилшуносликда назарий асосланган илмий хулосалар, араб тилшунослигига оид даврий ва соҳавий нашрлар, қолаверса, диссертацияда қўйилган вазифаларни ҳал қилишнинг апробацияси, тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади. Шунингдек, диссертация натижаларининг ишончлилигини тадқиқот йўналиши ва илмий изланиш моҳиятидан келиб чиққан ҳолда танланган тадқиқот методлари ҳам тасдиқлайди.

Тадқиқот ишининг илмий ва амалий аҳамияти.

Асарда баён қилинган илмий-назарий қарашлар араб тили синтаксиси ва морфологиясига оид дарсликлар яратишда манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижалари араб тили грамматикасига оид маъруза матнларида ва «Классик араб матнлари хусусиятлари», «Грамматик терминларни амалий ўзлаштириш» каби махсус курсларга доир маърузалар учун зарур манба бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўрта аср Мовароуннахр тилшунослари тадқиқотларининг таҳлили бўйича олинган натижалар асосида:

«Муфассал», «Мисбоҳ» ва «Муқаддима» ёзма манбаларидан бадиий кўргазма залларида ташкил этилган тарихий мавзудаги экспозицияларни шакллантиришда тасвирий асарлар учун мавзу ва манба сифатида фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Маданият ва санъат кўргазмасининг 2017 йил 7 февралдаги 29-сон маълумотномаси). Жорий этилган натижалар ўзбек халқи миллий-маданий мероси тўғрисидаги тасаввурларни кенгайтиришга манба бўлиб хизмат қилган;

«Ҳамидуддин Даририйнинг «Муқаддима» асари: матн ва тадқиқ» монографиясидан мамлакатимиз бой тарихини унинг бетакрор маданиятини ва миллий қадриятларни кенг тарғиб этишда фойдаланилган («ХАМАР» халқаро алоқалар марказининг 2017 йил 16 февралдаги 02/5-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистонга ташриф буюрувчи сайёҳлар учун мамлакатимиз тарихи ва илмий мероси тўғрисидаги маълумотларни етказиб беришда манба бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олинган мовароуннахрлик тилшунослар томонидан яратилган илмий асарларнинг қўлёзмаларидан санъат йўналишидаги музейларнинг экспозицияларини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон бадиий академияси бадиий кўргазмалар дирекциясининг 2017 йил 7 февралдаги 22-сон маълумотномаси, Ўзбекистон Давлат санъат музейининг 2017 йил 15 февралдаги 51-сон маълумотномаси). Экспозицияларда илмий натижаларнинг қўлланилиши ўрта асрларда Марказий Осиё худудида қўлланилган ёзувлар, уларнинг ёзув маданияти ва туркий халқлар турмушида тутган ўрнини кўрсатиш ва аниқ баҳолаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 12 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, «Ёш шарқшуносларнинг академик Убайдулла Каримов номидаги илмий-амалий конференцияси» (Тошкент, 2007, 2011) ва «Ўзбекистонда дунёвий ва диний қадриятлар уйғунлиги» (Тошкент, 2008) илмий анжуманларида ҳамда «Хорижий шарқ адабиёти ва адабий манбашунослигининг долзарб масалалари» (2010), «К 200-летию профессора Санкт-Петербургского университета. Шейх ат-Тантови» (Санкт-Петербург, 2010) ва «Актуальные проблемы арабской филологии и методики преподавания арабского языка» (Грозный, 2016) мавзулардаги республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган, шулардан 2 та монография (1 таси ҳаммуаллифликда яратилган), Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини

чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илова қисмларидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 160 саҳифа матндан таркиб топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Араб тилшунослик анъанаси**» деб номланган биринчи бобида араб тилшунослигининг шаклланиши, Мовароуннаҳр араб тилшунослиги (*XI-XIII асрлар*) анъаналари ҳамда араб ва европалик олимларнинг араб тили грамматикасига оид тадқиқотлари хусусида маълумот келтирилган.

Таъкидлаш жоизки, араб тилшунослигининг тез суръатларда ривож топганлиги феномен ҳодиса ҳисобланади. Албатта, бу жараёнда кўплаб араб бўлмаган халқлар вакиллари иштирок этганларини диққатдан четда қолдирмаслик зарур.

Мовароуннаҳр тилшунослик тадқиқотлари доирасида ўрта асрларда «ас-Сихоҳ», «Муфассал», «Мисбоҳ», «Мифтаҳу-л-улум» каби асарларнинг яратилиши араб тилшунослиги ривожига муҳим тurtки бўлди. Мазкур тадқиқотлар илгари араб тилшунослари томонидан амалга оширилган тадқиқотларнинг умумий хулосаси шаклида бўлиб, янги усулда яратилиб, араб тилшунослари томонидан катта эҳтиром билан қабул қилинган.

Европа тилшунослик мактабларининг А. Кремер, Ж.Т. Рено, Ю. Вельхаузен каби вакиллари арабшунослик билан шуғулланишни бошлаган даврда асосан қўлёзмаларни тавсифи ва танқидий матн тузиш билан шуғулланган бўлсалар, кейинчалик Сильвестор де Саси, К. Каспари, Г. Флейшерлар мазкур асарлардаги тилшунослик анъаналарига эътибор қаратдилар ва муҳим тилшунослик масалаларининг ечимини илгари сурдилар.

Маълумки, бундай мураккаб жараён араб тилини мукамал билишни талаб қилади. Таълим жараёнида натижага тез эришиш ва қулай бўлиши учун Европа тилшунослари араб тили грамматикасини ўз тиллари грамматикаси асосида ўргатишга киришдилар. Бунинг оқибатида араб тили грамматикасини ёритишда Европа тиллари табиати, анъаналарига асосланган араб тили грамматикаси вужудга келди. Юқорида таъкидланганидек, бу анъана араб тилшунослик анъанасидан фарқ қилса-да, аммо бир мақсадни

кўзлаган эди. Бу каби уринишлар араб тили тизимининг янги қирраларини очиб беришга, янги фикрлар генерациясига олиб келди. Албатта, бунинг учун араб тили грамматикаси назарий таркибининг асл моҳиятини инобатга олиш зарур. Бу икки анъананинг бир-биридан фарқи шундаки араб тилшунослари араб тили синтактик тузилишини синтетик, европа тилшунослари эса уни аналитик модель, деб қабул қилдилар.

Европа тилшунослик анъанаси албатта, араб тили тизимининг асосий моҳиятини очиб беролмайди. Аммо бу анъана ғоялари ва ютуқлари араб тили грамматикаси назариясини бойитишга маълум даражада ҳисса қўшади. Зеро, бу ёндашувлар араб тили назариясини мукамал ўрганган тилшунослар томонидан тақдим этилган. Шунингдек, бу каби тадқиқотлар ҳозирга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган. Мовароуннаҳр олимлари тақдим этган янги услублардаги назарий асослар ва Европа анъаналарига таяниб яратилган грамматика китоблари ўртасидаги умумий жиҳат шундан иборатки, уларда араб бўлмаган халқлар тилни ўзлаштиришга қулайлик яратишга интилиш етакчилик қилади.

Тадқиқотни амалга оширишда асосий манба сифатида ЎзР ФА ШИ қошидаги кўлёмалар фондида сақланаётган «Муфассал» асарининг милодий 1357 йилда кўчирилган 11459 инвентарь рақамли кўлём нусхаси, «Мисбоҳ»нинг 8709/1 инвентарь рақамли кўлём нусхаси ҳамда «Муқаддима»нинг 1284 йилда кўчирилган 6452 инвентарь рақамли кўлём нусхаси асос қилиб олинди.

Диссертациянинг «**Мовароуннаҳр манбаларида фонетик-фонологик сатҳнинг ёритилиши**» деб номланган иккинчи бобида Мовароуннаҳр тилшунослари асарларининг араб тили фонетикасига доир назарий ёндашувлари ва унинг араб тили фонетикаси ривожига аҳамияти илмий асосланди. Бобда Замахшарийнинг араб тили унлилари ва ундошлари тизими, товуш ўзгаришлари ҳодисалари, араб фонологик сатҳининг ўзига хос хусусиятлари қиёсан таҳлили этилди.

Хусусан, Замахшарийнинг араб тили фонетикаси ва ундошлар фонологиясини қай даражада ёритганини аниқлаш мақсадида «Муфассал» асарининг «Муштарак» (умумий ҳодисалар) деб номланувчи тўртинчи бўлими тадқиқот манбаи сифатида танланди. Унда фонетика масалалари, яъни акустика (товушнинг жисмоний хусусиятлари), артикуляция (товушларнинг талаффуз қилиниши) ҳамда товушнинг функционал аспектлари (товушларнинг кетма-кет келишидаги турли ҳодисалар) тавсифланди.

Араб тилидаги товушларнинг махражлари борасида турли фикрлар мавжуд. Масалан, Ибн Жазарий 14та, Фарро 17та махражни кўрсатган.²³ Аммо Замахшарий кўрсатган 16та махраж ҳозирги араб тили фонетикасига тўлиқ мос келади. Зеро, Сибавайҳи²⁴ ва бошқа замонавий тилшунослар ҳам айнан шу 16та махражни эътироф этганлар.

²³Звегинцев В.А. История арабского языка. –М.:, 1958. –С.37

²⁴سيبويه. الكتاب. بولاق، 1316ھ

Араб тили фонемалари тизимининг муҳим жиҳатларидан бири унда икки параллель равишда ўзгарадиган гуруҳнинг мавжудлигидир. Мазкур гуруҳларнинг фонемалари фарқланади, маълум фонетик шароит туфайли эса мослашади. Ушбу таснифни Замахшарий انقسامات الحروف – 'инқисāmātu-л-нурһф бўлимида баён этган.

Ҳозирги араб тилининг фонологик тизимида 34та фонема тақдим этилган. Улардан 28таси ундош ва бтаси унлидир. Замахшарийнинг фикрига кўра, араб тилида 43та фонема мавжуд. Маълумки, ҳар қандай тилда фонемалар маълум позицияларда ўз вариация ва вариантларига эга.²⁵ Замахшарий араб адабий тили ва лаҳжаларининг фонологик тамойиллари ҳақида мукаммал маълумотга эга бўлган. Шу боис, у асарида араб тили фонемалари модификациясини ҳам тақдим этган. Замахшарий қайд этган фонемалар орасида асл ундошлар 29 та, олтитаси эса «иккиламчи» бўлиб, Қуръоннинг қироатида ва шеърият тилида қўлланилади. Қолган саккизтаси эса «қабих»(лаҳжаларда қўлланадиган) ундошлар ҳисобланади.

Замахшарий 8та портловчи - الشديد (ك, ط, ق, ج, د, ط, ق, ك), 13та сирғалувчи - الرخوة (ث, خ, ح, ذ, ز, ش, س, ص, ض, ظ, غ, ف, ه) ва 7та яримпортловчи товушларни ажратган. Бу бўлимда ундошлар фонетик хусусиятига кўра الجمهورية – 'ал-мажхура (ع, ا, غ, ق, ج, ي, ض, ل, ن, ر, ط, د, ز, ذ, ظ, ب, م, و) ва المهموسة – 'ал-маҳмуса (ه, ح, خ, ك, ش, س, ت, ص, ث, ف) каби гуруҳларга ажратилган. Замахшарий мажхура ва маҳмуса истилоҳлари асосида ундошларни жарангли ва жарангсиз турга бўлади. Аммо ق, ط, ء фонемаларини Замахшарий мажхура, яъни жарангли ундошларга киритгани, юқоридаги фикрларнинг аниқлигига гумон уйғотади. Бу таркибни, араб адабий тилининг фонологик тизими VIII-X асрларга қиёсан бир мунча ўзгаришларга юз тутган, масалан: сўзнинг барча жойларидаги портловчи фонемалар вақт ўтиб қўшни унлилар таъсирида сирғалувчи товушлар сирасига кирган,²⁶ деб тушунтириш мумкин. Жумладан, В.А. Звезинцев юқорида кўрилаётган мажхура ва маҳмуса терминини қўллашда араблар биров эркинликларга йўл қўйгани бўлишлари мумкин, деб ҳисоблайди.²⁷

Замахшарий эмфатик ص, ض, ظ, ط ундошларини مطبق - ёпиқ деб, қолган ундошларни эса منفتحة - очик деб атаган

الإدغام мавзусида араб тили фонологиясига оид масалалар ёритилган. Замахшарийнинг фикрига кўра идғом икки турдош ундошнинг талаффузини енгиллаштириш учун хизмат қилади. Бу мавзуда Замахшарий фонемаларнинг позицияларини батафсил ёритган. Идғом фақат ундош фонемаларга хос ҳодиса бўлиб, бир сўз доирасида ёки икки сўзнинг бирга келишида содир бўлиши мумкин. Замахшарий илк бор идғомнинг қуйидаги уч гуруҳини ажратган: вожиб (зарурий); жоиз (мумкин бўлган), мумкин бўлмаган.

Заиф ундошларнинг ўзгаришига Замахшарий القلب – қалб - алмашув терминини, соғлом ундошларнинг ўзгаришига иبدال терминини қўллайди.

²⁵Реформаторский А.А. Из истории отечественной фонологии. –Москва: Наука, 1970. –стр. 252

²⁶Гранде Б.М. Введение в сравнительное изучение семитских языков. –М.: Восточная литература, 1998. –С.

47

²⁷Звезинцев В.А. Очерки по общему языкознанию. -М.: МГУ., 1962. –С. 37

Ҳозирги замон араб тилшунослигида морфонологик ҳодиса деб ўрганиладиган ҳолат ҳам олим томонидан сўз боши ва икки ундош муносабатлари сифатида тадқиқ этилган.

Замахшарий ундошларнинг хусусиятини батафсил ёритган бўлса-да, унлилар у қадар кўп ўрганилмаган. Унинг фикрига кўра, унлилар ундошларнинг бир бўлаги, деб қабул қилинганлиги туфайли улар учун махсус истилоҳ ҳам қўлланмаган. Аммо бунга қарамай, «Муфассал»дан унлилар фонологиясига оид баъзи муҳим маълумотларни олиш мумкин. Жумладан, Замахшарий *a, u, u* вокал тембрларини ва уларнинг чўзиқ турини аниқ ажратган. Шунингдек, олим чўзиқ ва қисқа унлиларнинг фонологик хусусиятини, яъни чўзиқ *a* унлисининг вариантини (араб тилида бу - чўзиқ ва қисқа *a* товушини «и»га яқинлаштириб, оғдириб талаффуз қилиш, яъни *имала* – палатал сингармонизм, деб номланади) батафсил таърифлаган. У бу ҳодисанинг акси бўлган фарингализацияни (ҳалқумнинг торайиши натижасида овоз пардаларига урилиб ҳосил бўладиган товуш, араб тилида тўлиқ, эмфатик ва ўзига хос тарзда ажратиб талаффуз қилиш, яъни *тафҳим* деб аталади) ҳам кўриб чиққан.

Шуни айтиш жоизки, Замахшарий фатҳанинг ҳам палатал сингармонизм ҳодисасини кузатган ва ўрганган биринчи олимдир. Чунончи, тилшунос фатҳанинг ималаси кўпроқ *ر* - *ри* бўғини билан қўшни бўлгандагина содир бўлишини таъкидлайди, масалан: *من الكبر* – *мина-л-кибари*, *من الصغر* – *мина-й-йигари*.

Замахшарий имала юкламаларда содир бўлмаслигини эътироф этган, шунингдек, истисно тарзида имала қўлланиладиган бир неча ўринларини ҳам келтириб ўтган, масалан мустақил қўлланиладиган *يا* - *эй*, *بلى* - *албатта* ва *لا* - инкорни англатувчи юкламаларда ҳамда турланмайдиган бир неча сўзларда имала юз беради, масалан: «қачон, дарҳақиқат мен, мана бу» кабилар *انا، متى، ذا*. Замахшарий имала содир бўлишида қоидаларга мос келмайдиган ҳолатларни ҳам таъкидлаб ўтади.

Сибавайҳи араб тили фонологияси тизими бўйича аниқ қоидаларни баён этган бўлса-да, кейинчалик турли фикрлар кўпайиб кетган эди. Замахшарий эса мазкур тадқиқотларни ўрганиб, асарида мукамал ва замонавий тилшунослик назариясини таъкидлаган, фонемаларнинг оппозицияларини ва функцияларини тақдим этган.

Замахшарий асарининг умумий бўлимида таҳлил қилинган фонетик-фонологик масалалар ҳозирги замон араб тилшунослигида ўз аҳамиятини йўқотмаган, улар ҳамон ўз оригиналликни сақлаб қолмоқда.

Диссертациянинг «Сўз туркумларининг манбаларда ёритилиши» деб номланувчи учинчи бобида Замахшарийнинг «Муфассал», Мутарризий «Мисбоҳ» ва Даририйнинг «Муқаддима» асарларида баён этилган сўз туркумларига оид ёндашувлар баёни ўрганилди.

Маълумки, анъанавий араб грамматикасида сўзларнинг учта туркуми ажратилган, улар: исм, феъл ва ёрдамчи сўзлар. Бу сўз туркумларининг асосий хусусияти турланиш, тусланиш ва ўзгармасликдир. Башарти, Сибавайҳи «ал-Китоб» асарида тўлиқ турланмайдиган сўзларни эслатиб

ўтган, аммо уларнинг сабабларини кўрсатмаган бўлса, Замахшарий илк бор тўлиқ турланмайдиган исмларнинг тўққизта сабабини келтирган.

Замахшарий араб тилидаги исмнинг барча белгиларини санаб ўтади. Улар: аниқлик артикли, қаратқич келишиги, изофа бирикмасида бўлиши ва танвиндир. Бу белгиларга кўра от, сифат, иш-ҳаракат номи(масдар), сифатдошлар, шунингдек, олмошлар, исмдан ясалган равиш исм сўз туркумига кирилади. Ўз даврида Сибавайҳи исмнинг белгиси сифатида фақатгина қаратқич келишигини қайд этиб ўтган. Форисий исмнинг хусусияти сифатида артикл ва танвинни тилга олган. Шунингдек, Замахшарий исмнинг синтактик белгиларидан ташқари айрим семантик белгиларини ёритган, яъни атоқли ва турдош отни таснифлаган.

Замахшарий феъл бобида феълларнинг семантик таснифини ўрганар экан, уларни: мажхул даражадаги феъллар, ўйлаш ва ҳисоблаш маъносидаги феъллар, ёрдамчи феъллар, иш-ҳаракатнинг яқинлигини билдирувчи феъллар, олқиш ва қарғишни ифодаловчи феъллар, таажжубни ифодаловчи феълларга тақсимлангани кузатилади.

Замахшарий 27та ёрдамчи сўзлар турларини асарининг ҳарф бобида маъноларига кўра ажратиб, шу маъноларга тўғри келадиган терминларни қўллаган. Бунда баъзи ёрдамчи сўзлар бир неча вазифаларни қамраб олганлиги туфайли бир неча гуруҳларда қайд этилган.

Хусусан, Замахшарий *من* предлоги маъноларини келтирганида, «مزيدة» - кўпайтириш ёки қўшиш маъносига ҳам диққат қаратади. Сибавайҳи эса бу предлогнинг кўпайтириш маъносини қайд этмаган. *من* предлогини мазкур хусусиятини Ахфаш илк бор қўллаганини кўриш мумкин. Демак, Замахшарий ҳам бу фикрга қўшилиб уни ўз таснифида келтирган.

Мутарризий «Мисбоҳ» асарида келтирилган грамматик қоидалар баёни айнан Замахшарийнинг «Муфассал» асарида келтирилган каби бўлишига қарамай, ушбу ҳодисаларнинг таснифи ўзгачадир. Мутарризий сўз туркумларининг баёнидан сўнг беш бобда мавзуларни ўрганган. Биринчи боб «الاصطلاحات النحوية» – «Грамматик истилоҳлар»га бағишланган, унда қуйидаги морфологик масалалар кўрилган: ҳар бир сўз туркумининг белги ва хусусиятлари, уларнинг умумий ва фарқли жиҳатлари, флексия масаласи, флексияланадиган, тўлиқ флексияланмайдиган ва умуман флексия бўйича ўзгармайдиган сўзлар, иккилик, тўғри ва синиқ кўплик ҳодисаларининг ўзига хос хусусиятлари масаласи очиб берилган. Иккинчи боб «العوامل اللفظية القياسية» - 'ал- 'авāmил-л-лаф'иййату-л-қийāсиййа – «Қоидавий меъёрий омиллар», деб номланиб, унда грамматик қоидалар билан асосланган тил ҳодисалари келтирилган. Масалан, Қийāсиййа истилоҳи сўз, шакл, гап адабий тил ва диалектнинг мавжуд қоидаларига кўра ясалишини англатади. Учинчи боб «العوامل اللفظية السماعية» - 'ал- 'авāmил-л-лаф'иййату-с-самā'иййа – «Эшитиб, ўрганиб, қоида даражасига олиб келинган омиллар», деб номланиб, унда барча ёрдамчи сўзлар ва тархим масаласи кўрилган. Тўртинчи «العوامل المعنوية» – «Маъновий омиллар» бобида предикативлик масаласи ўрганилган. Бешинчи боб «فصول من العربية» – араб тилига хос грамматик категорияларга

бағишланган. Мазкур бобда аниқлик ва ноаниқлик категорияси ҳамда жинс категорияси таърифланган.

Мутарризийнинг «Мисбоҳ» асарида, демакки, барча сўз туркумлари қайд этилган бешта хусусиятлар нуқтаи назаридан ўрганилган. Шунини айтиш жоизки, нутқда самоъий омил қиёсий омилга нисбатан камроқ учраши аниқланди.

Даририй ҳам Муттаризий каби сўз туркумларини ажратмаган бўлиб, унинг асарида ёритилган умумий грамматик ҳодисалар бобларга ҳам таснифланмаган. Асарда аввал синтактик, кейин морфологик, сўнгра баъзи фонетик қоидалар ёритилган бўлиб, улар орасидаги чегара сезилмайдиган даражада уйғунлаштирилиб берилган.

Юқорида таъкидланганидек, Замахшарий араб тили грамматикасини сўз туркумлари асосида ўрганганлиги боис, тилшуноснинг «Муфассал» асари мукаддимасида туркумларнинг умумий ва фарқли жихатлари таърифлаб ўтилган.

Араб тили грамматикасида ўзаро чамбарчас боғлиқ ҳисобланган исм, феъл ва ҳарф сўз туркумлари ўзаро муносабати араб нутқини ташкил этиши Мовароуннаҳр тадқиқотларида ҳам кузатилди. Мазкур сўз туркумларининг ҳар бирида ўзига хос хусусиятлар ва вазифалар мавжуд бўлса-да, уларни умумлаштириб турувчи муштарак жихати араб тилида мавжуд. Бунда исм флексияси ва феъл майллари битта ҳодиса сифатида қаралади ва бу ҳодиса ҳарф сўз туркуми таъсирида содир бўлади, деб эътироф этилади. Ҳарфларнинг сўзлар ҳолатига таъсиридан ташқари, битта сўз, ҳатто, жумлага ҳам кўшимча маъно бериш хусусиятининг тадқиқотда ўрганилаётган асарларда ёритилиши таҳлилга тортилди.

Мовароуннаҳрлик тилшуносларнинг тадқиқотлари морфология ва синтаксисга доир янги терминларнинг шаклланишида туртки бўлган.

Бобда диссертацион иш учун тадқиқот объекти сифатида танланган Замахшарий, Мутарризий ва Даририйларнинг асарларида сўз туркумларини таърифлаш, таснифлаш масалалари ёритилди. Хусусан, қайд этилган олимларнинг таснифига мувофиқ, араб тилидаги исм, феъл ва ҳарф туркумларини ажратиш анъанасига амал қилинганлиги кузатилади. Айни чоғда «Муфассал»да *لفظة* - *лафъа* - *лексик бирлик* терминини қўллангани, кейинги давр тилшуноси Мутарризий ҳам бу атамани ишлатгани, Даририй эса Сибавайҳи каби *كلام* - *калām* - *сўзлар*, яъни *كلمة* – *калима* сўзининг кўплик шаклидан фойдалангани маълум бўлади. Мустафо Ғалайиний эса «сўз – бу битта маънони билдирувчи лексик бирлик», деган фикрни илгари суради. Бизнингча, араб тилшунослигида бу икки атаманинг қўлланилиши ўринли, зеро, мазкур терминларнинг ҳар иккови ҳозирги замон араб тилшунослари асарларида ҳам эътироф этилади.²⁸

Сибавайҳининг «ал-Китоби»да *жумла* термини умуман қўлланилмаган ҳамда ушбу тушунча ўрнини босадиган бошқа термин ҳам ишлатилмаган. Синтаксисни баён қилишда Сибавайҳи *жумла* тушунчасига эҳтиёж сезмаган.

مصطفى غلاييني. جامع الدروس العربية. بيروت. 1995. ص. 2817

Сибавайҳининг асосий мақсади турли кўринишга эга бўлган синтактик конструкцияни тавсифлаш эмас, балки тил birlikларини кетма-кетликда қўллаш ва мослашда бўлган.

Сибавайҳи бу ҳодисага нисбатан *калом* терминини қўллаган. Аммо «калом» термини *жумла* термини англатадиган маънони аниқ ифода этмайди. Чунки *жумла* бир предикатив birlik, калом эса бир неча предикатив birlikлардан иборат нутқдир.

Жумла терминига зарурат араб тили грамматик тизимининг янги услубда баён этишда сезила бошланган. Шу боис бу термин араб тилшунослигида кечроқ пайдо бўлган, аниқроғи, араб тили назарияси шаклланиб бўлгандан сўнг воқеланган. Ўзидан аввалги тилшуносларнинг тадқиқотларини кенг ва мукамал ўрганган Замахшарий *жумла* тушунчаси хусусиятларини аниқ белгилаб берган, унинг вазифаларини тўлиқ тавсифлаган. Замахшарийга қадар ал-Мубаррад(826-899) «ал-Муктадаб» рисоласида *жумла* терминини «гап» тушунчаси учун келтирган. Аввал онда-сонда қўлланган бу терминнинг қўлланиш частотаси кейинчалик бир қадар ўсди. «Муфассал» асарида *жумла* термини кенг қўлланилиб, гап тушунчасига яқинлаштирилган. Чунончи, Замахшарий илк бор исмий, феълий, шартий ва ҳолий *жумлалар*нинг комплекс таснифини берган.

Шунингдек, Замахшарий гапда тушум келишигида келадиган исмларни илк бор тўлиқ таҳлил этган бўлиб²⁹, унга қадар Сибавайҳи асарида тушум келишигидаги гап бўлаклари борасида фақатгина маълумот берилган.³⁰

Демак, Сибавайҳининг асарида араб тили грамматикасининг тизими анчагина тўлиқ акс этирилган бўлса-да, кейинчалик ишлаб чиқилган янги усуллар араб тили грамматикасини, хусусан, терминларини янада мукамаллаштиришга олиб келган.

